



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
3-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**  
профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**  
**Ф.А.Сафаров**  
**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**  
**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**  
**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**  
**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Таҳририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

**Таҳририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Таҳрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Мургазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

## МУНДАРИЖА

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов</b> Иқтисодиёт – инсоннинг юксак тафаккур маҳсули	5
<b>Umar Xudayberdiyev, Sevara Abdinazarovna Babanazarova</b> Aholi daromadlari va ularni ko'paytirish yo'llari.	11
<b>Shao Junling</b> Analysis of the role of institutional frameworks in promoting the qualitative development of the economy of the region " Belt and Road"	14
<b>Kudratjon Bakhtiyorovich Dilmanov</b> Characteristics of human power	17
<b>Bekjon Shukurillayevich Musayev</b> Oliy ta'lim xizmatlarini targ'ib qilishning nazariy asoslari	21
<b>Ашур Али Рустам ўғли Латипов</b> Маҳаллада янги иш ўринларини яратиш ва бандликни оширишдаги қулайликлар ва имкониятлар	27
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов</b> Инновацион товарларни бозорда силжитишнинг ўзига хос жиҳатлари	33
<b>Шохрухбек Жаҳонгирович Расулов</b> Развитие нового содержания финансов в условиях инновационного развития экономики	36
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ</b>	
<b>Отабек Джурабаевич Джурабаев</b> Определение направлений оптимизации операционной стратегии и повышения экономического потенциала хлопково-текстильных кластеров	42
<b>Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова</b> Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдаги муаммолар	46
<b>Жамолиддин Ярашевич Нуриллаев</b> Влияние экономической либерализации на производство и эффективность продукции в мировом овцеводстве и каракулеводстве	49
<b>Лариса Алишеровна Мусабаева</b> B2B маҳсулотларининг мижозлар капиталини таркибий-функционал таҳлил қилиш амалиёти	53
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Shoxista Abdugapparovna Mamasoliyeva</b> Tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi muassasalar boshqarish tizimini samaradorligini oshirishni iqtisodiy mexanizmlari tahlili	58
<b>Машхур Исмоналиевич Акбаров, Кудрат Шухратович Искандаров</b> Темирўл транспортида йўловчи ташиш сервис хизматларини баҳолаш ва такомиллаштириш йўллари	64
<b>Мурод Максудович Паязов</b> Темир йўл транспорти хизматлар тизимидаги бошқарув механизмининг моҳияти ва ривожлантириш методологияси	70
<b>Зарина Муродовна Муҳаммедова</b> Хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини такомиллаштириш асосида инвестицион ресурслар самарадорлигини ошириш	76

## НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – СамИСИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори,  
Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов – СамИСИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

### ИҚТИСОДИЁТ – ИНСОННИНГ ЮКСАК ТАФАККУР МАҲСУЛИ

**Аннотация:** Мақола инсон ҳаёти ва унинг мазмунли, фаровон ўтишининг бош мезони – иқтисодиётнинг долзарб муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган. Муаллифлар кишилик жамияти тарихида иқтисодий фаолиятнинг даставвал пайдо бўлиш сабаблари, унинг чуқур илдизлари, инсон ҳаёт тарзи эволюциясида тутган ўрни, такомиллашиш омиллари, ривожланиш истиқболлари хусусида мантиқли баҳс ва фикр-мулоҳазалар юритган. Жаҳон миқёсида мамлакатлараро, мамлакат ичида эса аҳолининг турли гуруҳлари ва тоифалари ўртасида ўртгача иш ҳақи, аҳолининг ҳаёт фаровонлиги даражасида кескин, жуда кескин тафовутларнинг мавжудлиги иқтисодий тафаккурнинг ҳосиласи эканлиги иқтисодиёт илми нуқтаи назаридан асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодиёт, инсон, меҳнат қуроллари, табиат, эҳтиёж, ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш, истеъмол.

**Кириш.** Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ёшларда, умуман аҳолининг кенг қатламлари орасида иқтисодий тафаккурни ривожлантириш, иқтисодий фанларни чуқур ўрганишдек муҳим масалаларда жиддий камчиликлар борлиги, иқтисодий фанларни ўқитиш сифати пастлиги хусусида, уларни узил-кесил бартараф этиш ўткир заруратга айланганлиги иқтисодиёт фани қонун-қоидалари асосида моҳирлик билан очиб берилишини тақозо қилади. Ўзбекистонда аҳоли кенг қатламларининг, хусусан, касбий таълимга жалб этилган ёшларнинг иқтисодий саводхонлигини инновацион усул ва услубларни қўллаш асосида иқтисодий тафаккурини юксалтириш бўйича аниқ, илмий жиҳатдан асосланган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам бугунги кунда ўта долзарб масалалар сирасига киради. Ушбу мақсадда хорижнинг илғор тажрибаси, уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари хусусида ҳам тегишли тадқиқотлар олиб бориш диққатга сазовордир. Шу туфайли иқтисодиёт тушунчасининг вужудга келишини исботлаш ҳам ўта долзарб масалалардан бири сифатида майдонга чиқмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мазкур мавзу олимларимиз томонидан жуда кам ўрганилган. Ушбу мавзунинг айрим жиҳатлари А.Ўлмасовнинг “Иқтисодиёт” номли оммавий қўлланмада<sup>1</sup>, Мартынова Д.Э. “История возникновения терминов экономики: капитал, капиталоотдача, доход” номли электрон китобида, М.М.Муҳаммедов раҳбарлигида ёзилган қатор асарларда<sup>3</sup>, унинг “Ўзбекистон иқтисодиётининг тарихи: Амир Темур давридан то ҳозирги кунга қадар” номли асарида, 4 томлик “Экономическая Энциклопедия. Политическая экономия”да<sup>4</sup>, М.Қ.Пардаевнинг “Иқтисодиёт – инсон тафаккури маҳсули” номли мақоласида<sup>5</sup> каби манбаларда масаланинг у ёки бу жиҳатлари ёритилган. Аммо иқтисодиётнинг вужудга келиш тарихи тўлиқ ўрганилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда иқтисодиётнинг шаклланиш бевосита инсон тафаккури маҳсули эканлигини исботлаш учун мантиқий таҳлил, умумлаштириш, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Аллоҳ Одам Атони яратган даврларда, инсоннинг яшаши

<sup>1</sup> Ўлмасов А. Иқтисодиёт. Оммабоп қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2017. – 224 бет.

<sup>2</sup> Мартынова Д.Э. История возникновения терминов экономики: капитал, капиталоотдача, доход. Интернет ресурс: <https://cyberleninka.ru/article/n/istoriya-vozniknoveniy-a-i-razvitiya-terminov-ekonomiki-kapital-kapitalootdacha-dohod/viewer>. Мурожаат этилган сана: 27.07.2023


<sup>3</sup> Муҳаммедов М.М. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти. Самарқанд, 2023 йил. Ўзбекистон иқтисодиётининг тарихи: Амир Темур давридан то ҳозирги кунга қадар. – Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт матбаа уйи”, 2022. – 440 бет.

<sup>4</sup> Экономическая Энциклопедия. Политическая экономия (в 4 томах). – М. «Советская Энциклопедия», 1980, - 438 бет

<sup>5</sup> Мамаюнус Пардаев. Иқтисодиёт – инсон тафаккури маҳсули. SamTVR | MTRK <https://telegra.ph/I%D2%9Btisodiyot--inson-tafakkuri-ma%D2%B3suli-07-22> 2023 йил 22 июль. 571. 9:38

учун фақат табиат неъматлари мавжуд эди, холос. Шу туфайли инсон ўз эҳтиёжларини фақат табиат унга тайёр ҳолда инъом этган ноз-неъматлар ҳисобидангина қондиришга, демак, ўз эҳтиёжларини чеклашга мажбур эди. Чунки ўша даврларда инсоннинг табиат сахийлик билан унга инъом этган имкониятлардан ўзга ҳеч нарсага эҳтиёжининг йўқлигидан эмас, балки ушбу ҳаётий заруратни қондиришнинг ўзга чораси йўқлигидан бориға қаноат қилишга, яъни ўз эҳтиёжларини чеклашга, мажбур эди.

Лекин, Аллоҳ ўзининг суйган бандаларига табиатнинг барча ноз-неъматларидан, мўъжизаларидан унумли фойдаланиш қудратига эга бўлишни раво кўрди. Шу сабабли, Аллоҳ барча еру-осмонларни, сон-саноксиз тирик ҳайвон ва жониворларни яратиб, улар орасида фақат битта инсонгагина ақл, идрок этиш, тафаккур юритиш қобилиятини инъом этди. Яратганнинг айнан ана шу тухфаси инсонга табиатда тайёр ҳолда мавжуд имкониятлар доирасидан муайян даражада ташқарига чиқишга, яъни ўзининг ақлу-заковатига, тафакқурига таяниб, ҳаётий эҳтиёжларини қондириш устида тинимсиз бош қотириш имконини ҳам берди. Шу тариқа инсон яшаш учун яратилган ва бунинг учун унда истемол эҳтиёжи пайдо бўлади. Бу қуйидаги расмда ўз аксини топган (1-расм).



1-расм. Инсон ва эҳтиёжнинг ўзаро боғлиқлиги

Расмдан кўришиб турибдики, инсоннинг яшаш учун биринчи ундаги пайдо бўлган нарса унинг эҳтиёжидир. Табиийки, кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида яшаган инсонларда шоколадга ёки, айтайлик, мазали музқаймоққа ҳеч бир эҳтиёж бўлмаган. Чунки уларда бу ҳақда ҳеч қандай тушунча ҳам, ҳаттоки тасаввурнинг ўзи ҳам шаклланмаган. Лекин, ўша даврга хос, инсон ақли етган соҳаларда унинг дастлабки эҳтиёжлари пайдо бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш – мантиққа мос. Бизнинг назаримизда, ўша даврларда инсон табиат тайёр ҳолда инъом этган ва у ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида истемол қилган ноз-неъматларни озгина бўлса-да, қулайроқ, енгилроқ, ишончлироқ шароитларда қўлга киритиш имконларини излаган бўлса керак.

Табиат инсонга тайёр ҳолда инъом этган эҳтиёжни қондириш учун ноз-неъматлар таркиби ёввойи ҳайвонлар, ёввойи ўсимлик ва мевалар, тоғ этакларида жойлашган ғорлардан иборат эди. Лекин ушбу неъматларни излаб топиш, овлаб, қўлга киритиш, улардан ўз эҳтиёжларини қондириш шарафига муяссар бўлиш инсонга жуда катта қийинчиликлар туғдирганлиги, табиий. Аксарият ҳолларда фақат тош ва таёқлар билан қуролланган инсон ўзидан кўра кучли баҳайбат йиртқичларни егиши, ўзидан тез чопар ҳайвонларни қувиб етиши, адир ва ўрмонларда яшириниб ётган ёввойи мева ва ўсимликларни излаб топиши унга жуда катта қийинчиликлар ва муаммолар туғдирар эди.

Инсоннинг тафакқури, ақлу-заковати, биринчидан, шу муаммоларин тушуниб етиш, иккинчидан эса, уларнинг ечимини излаб топиш заруратини (эҳтиёжини) юзага келтирди. Узоқ йиллар мобайнида шаклланиб, юзага келган ўткир зарурат инсонни иқтисодий фаолият олиб бориш томон етаклади. Ушбу иқтисодий фаолият дастлабки босқичларда ёввойи ҳайвонларни, дарахт ва ўсимликларни хонакилаштириш шаклида намоён бўлди. Шу тариқа, Ер қуррасида иқтисодий фаолият юритиш, табиатга таъсир кўрсатиб, уни инсон манфаатлари йўлида ўзгартириш ва ўзлаштириш жараёни бошланиб кетди.

Шу тариқа инсон тафакқури билан жонли меҳнатга кўмак сифатида **меҳнат қуроллари** вужудга келди. Бунинг кейинчалик ишлаб чиқариш воситалари деб номланадиган бўлди. Шундай қилиб табиат, инсон, меҳнат қуролларининг биргаликдаги фаолияти натижасида истемолга мос маҳсулотлар табиатдан ўзлаштириладиган бўлди. Буларнинг ҳаммасида инсон тафакқури биринчи ўринда туради. Инсоннинг яратувчилик фазилати эвазига табиат неъматларини ўзлаштириш жараёнини ташкил қиладиган қуйидаги занжир шаклланди (2-расм).



2-расм. Табиат неъматларини истеъмолгача бўлган жараённинг ўзаро кетма-кетлик занжири

Расмдан кўриниб турибдики, биринчи ўринда табиат турибди. Бунда инсон истеъмоли учун барча неъматлар мавжуд. Шу туфайли табиат билан биринчи муносабатга киришадиган инсон саналади. Ҳаётнинг илк даврларида табиат неъматларини асл ҳолда қўл меҳнати билан иш қуролларисиз ўзлаштирилган. Аста-секинлик билан инсонлар кўпайиши, ушбу неъматларни ҳам кўпайтириш заруратига дуч келинган. Оқибатда иш қуролларини яратиш зарурати ҳам пайдо бўла бошлаган. Иш қуролларини яратувчиси – бу ҳам инсон ҳисобланади. Инсон табиатдан иш қуроллари ёрдамида эҳтиёжга мос маҳсулотлар ярата бошлаган ва уларни истеъмол қилган. Шу тариқа табиатдан истеъмолгача бўлган жараён занжири – иқтисодиёт вужудга келган. Ушбу жараёнда **иқтисодий муносабатлар** ҳам шаклланган. Бу занжирнинг барча босқичларида инсон тафаккури муҳим роль ўйнайди. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, **иқтисодиёт – инсон тафаккури маҳсули**, деган хулосага келдик. Инсон учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотларини яратиш жараёнида жуда катта ва мураккаб муносабатлар тизими турибди. Бу муносабатларни **ишлаб чиқариш муносабатлари**, сўнгра **иқтисодий муносабатлар**, деб аталиши ҳам шу тариқа вужудга келган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу жараёнлар планетамизда тахминан 8,5 минг йиллар<sup>1</sup> илгари бошланган. Узоқ йиллар давомида эволюцион жараёнларнинг кучли таъсири остида инсоннинг иқтисодий тафаккури ривожланиб, бир томондан, ҳаётий тажрибаси ошиб бориб – иккинчи томондан, иқтисодий тараққиётда сезиларли ютуқларга эришди. Инсоннинг ақлу-заковати, фикрлаш қобилияти тош ва таёқлардан батамом воз кечиб, унинг ўрнига оддий, жуда содда бўлса-да, лекин ўзининг ақлий фаолияти, тафаккури билан яратилган меҳнат қуролларини яратиш, энг муҳими улардан унумли фойдаланиш имконини берди. Тўғри, ўша замонларда инсон ихтиро этган кетмон, болға, болта, курак, ўроқ, арқон ва ҳоказолар каби меҳнат қуроллари бугунги илму-фан ютуқлари нуктаи назаридан назар ташлаганда, жуда оддий туюлади. Лекин, инсон энди иқтисодий тафаккур юрита бошлаган кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида ушбу жараёнлар жаҳоншумул аҳамият касб этувчи чинакамига революцион ўзгаришлар эди, деб баҳоласак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳозирги пайтда **иқтисодиёт** сўзининг луғавий маъноси “Ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли луғати”да араб тилидан олинган бўлиб, “хўжалик масалалари; хўжалик”<sup>2</sup>, деган маъноларни англатиши қайд этилган. Давомида яна 3 та изоҳ берилган. “1. Ижтимоий тузумнинг базиси. 2. Халқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларининг ҳолатига мувофиқ келувчи ишлаб чиқариш муносабатлари. 3. Хўжалик тармоқларининг моддий ва молиявий томонларини ўрганадиган фан”<sup>3</sup>, дейилган. Кўриниб турибдики, иқтисодиёт сўзи тузумга ҳам, соҳага ҳам ва бевосита микро даражадаги хўжалик юритувчи субъектларга ҳам дахлдор. Том маънода қарайдиган бўлсак, иқтисодиёт инсонларнинг эҳтиёжини қондиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шу нуктаи назардан у фақат **ишлаб чиқариш** билан тўхтаб қолмайди. Ушбу неъматларни эҳтиёжни қондириш мақсадида истеъмол қилиш учун инсон ўзи яратиб истеъмол қилганда ҳеч қандай муаммо бўлмас эди. Аммо инсонларнинг бир қисми яратувчилик билан шуғулланса бошқа қисм истеъмол билан


<sup>1</sup> Ҳазрат Алишер Навоий Пайғамбарлар тарихига бағишланган асариди Одам отадан Муҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в.)гача даврни белгилаб чиққан. Шу бўйича ҳисоб-китоб қилинса ҳозирги давргача тахминан 8,5 йил вақт ўтган.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Ж. П. Е – М. / Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 264 бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – 264 бет.

шуғулланади. Шу тариха ушбу яратилган неъматларнинг **тақсимоти** рўй беради. Адолатли тақсимотга эришиш учун навбатдаги босқичда **айрибошлаш** жараёни содир бўлади. Буларнинг ҳаммасида асосий иштирокчи инсон, унинг тафаккури ва меҳнати турибди. Шу жараёнларнинг ҳаммасининг пировард мақсади, истеъмол босқичларини ўзида ифода этадиган яратилган маҳсулотни **истеъмол** қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Кўриниб турибдики, унинг охириги босқичи истеъмолга келиб тақалар экан. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулот пировардида истеъмол қилинмаса, ҳеч кимга ва ҳеч нарсага керак бўлмайди. Натижада ушбу муносабатлар ҳам содир бўлмайди. Шу туфайли ҳар қандай фаолият истеъмол билан яқун топади. Ишлаб чиқарилган ва бошқа (овчилик каби) йўллар билан қўлга киритилган неъматлар эҳтиёжга мос бўлса, албатта истеъмол қилинади. Хуллас, иқтисодиёт билан боғлиқ барча жараёнларнинг пировард натижаси эҳтиёжни қондириш учун истеъмолга келиб тақалар экан. Ушбу жараён ҳам маълум кетма-кетлик занжирини ташкил қилади (3-расм).



**3-расм. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолгача бўлган жараёнлари занжири**

Расмдан кўриниб турибдики, иқтисодиёт ўз ичига юқоридаги тўртта босқични қамраб олади. Ҳозирги хусусий мулкчилик, тадбиркорлик, мулкка эгалик, ёлланма меҳнат бор жойда уларнинг бирортасида узилиш бўлса, демак у тўлиқ иқтисодиёт эмас. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолгача бўлган жараёнларини бирлаштирувчи занжирининг шаклланишида инсон тафаккури муҳим роль ўйнайди. Бу ҳам **иқтисодиёт – инсон тафаккури маҳсули**, деган хулосага келиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиёт ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи сифатида, ҳар қандай жамиятда яхлит тизимни ташкил қилади. Бу тизим ўша маҳсулотни ишлаб чиқаришдан истеъмолгача бўлган босқични ўз ичига олади. Бунда ишлаб **чиқариш воситалари, предметлари ва меҳнатнинг ўзи** иштирок этади. Бу ҳолат иқтисодиётнинг дастлабки босқичларида ҳаммаси битта шахсга тегишли бўлган. Аста-секинлик билан унинг ривожланишида мулкка эгалик ҳуқуқлари юзага кела бошлаган ва ишлаб чиқариш воситалари мулкдорлар қўлига ўтган. Булар меҳнат предметларини харид қилиб ва меҳнатни ёллаб ишлаб чиқаришни йўлга қўя бошлаган. Шундай қилиб иқтисодиётда мулкчилик ва унга эгалик муносабатлари вужудга келган.

Ишлаб чиқариш кучлари мулкдор қўлида, меҳнат ёлланиб ишлайдиган ходимларда. Улар ўртасидаги муносабатлар натижасида ишлаб чиқариш жараёнлари содир бўлади. Шу тариха **ишлаб чиқариш муносабатлари** юзага келади. Ушбу ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳам ўзагида инсон ва унинг меҳнати турибди. Ушбу муносабатлар тизимида маҳсулотни кўпайтириш керак бўлса, уни қандай қилиб кўпайтириш кераклиги, бунинг учун ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштириш зарурлиги ва мос равишда бошқа жараёнларни ҳам такомиллаштириш кераклигининг барчасида инсон тафаккури муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ишлаб **чиқариш воситаларини** такомиллаштириш ва кўпайтириш лозим. Шу тариха етарли даражадаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришилади.

Навбатдаги босқичда тақсимот ва айрибошлаш жараёнлари ҳам инсон тафаккури орқали амалга оширилади. Буларнинг ўзаро боғлиқлик занжири 2-расмда ўз ифодасини топган. Буларнинг ҳаммаси, **иқтисодиёт – инсон тафаккури маҳсули**, деган хулосага келинганлигида, айти ҳақиқат борлиги кўриниб турибди.

Тарихдан маълумки, эрампдан олдинги VI-V асрларга келиб, инсон узоқ йиллик

изланиш ва тинимсиз меҳнати эвазига табиат инжиқликларидан, унинг оғир ва машаққатли синовларидан қисман бўлса-да, озод бўлишга эришди. Ёввойи хайвон, дарахт ва ўсимликларни хонакилаштириш натижасида унинг табиат оғир синовларидан қарамлик даражаси бироз пасайди. Чунки энди у ён-атрофида ўзи томонидан ташкил этилган хўжаликда хонакилаштирилган хайвон, мева дарахтлари, ҳар хил ўсимликлар ҳисобидан олинган ноз-неъматларни эҳтиёж туғилган заҳоти истеъмол қилиш, демак, яшаш имкониятига эга бўлди. Инсоннинг табиатдан тобелиги камайиб, унда кечаётган, лекин, объектив сабабларга кўра олдиндан кўра билиш қийин бўлган, тасодифларга тўла жараёнлардан, хавфу-хатарлардан инсон ўзини ишончли ҳимоя қилишга эришди.

Бу – кишилик жамияти тарихида инсон иқтисодий тафаккурининг жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган биринчи амалий натижаси, аниқроқ қилиб айтганда, табиат устидан назорат ўрнатиш, уни жиловлаш борасидаги катта ғалабаси эди. Инсон ўзининг иқтисодий тафаккурига таяниб, унинг чексиз имкониятларидан ўз моддий манфаатлари йўлида унумли фойдаланиб, барча жонли зотлар галасидан ажралиб чиқиш, табиат инжиқликларига чек қўйиш шарафига муяссар бўлди.

Юқорида баён этилган фикрларимизнинг исботи сифатида кишилик жамияти лексиконида илгари умуман мавжуд бўлмаган, шу сабабли, биз уни батамом янги деб номлаган “иқтисодиёт” тушунчасининг пайдо бўлиши тарихини келтирмоқчимиз. Манбаларнинг кафиллик беришича, уни эрамиздан олдинги VIII-VII асрларда яшаб, ижод қилган юнон шоири Гессиод ихтиро қилган. У “ойкос” (уй, хўжалик) ва “номос (биламан, қонун)” сўзларини ўзаро бириктириб, янги “ойкономия” иборасини яратди. Мазмунан ушбу сўзлар бирикмасида хўжаликни бошқариш қоидаларини, санъатини биламан, деган маъно мужассам эди.<sup>1</sup> Лекин кейинчалик юнон файласуфи Ксенофонт (эрамиздан олдинги 430-355 йиллар) “Экономиксе” номли асар ёзиб, дастлаб ушбу тушунчани илмий аҳамиятга молик тушунча сифатида илмий даражага кўтарди.<sup>2</sup>

Маълумки, иқтисодиёт сўзига турли тилларда изоҳ берилган. Хусусан, рус тилидаги 4 жилдлик “Иқтисодий Энциклопедия: Сиёсий иқтисод.” китобида экономика (иқтисодиёт) сўзи грек тилидан олинган бўлиб, “уй хўжалигини бошқариш санъати”<sup>3</sup>, деган изоҳни келтирган (таржима бизники – М.П., М.М.). Бу ерда ҳам унга 3 та изоҳ берилган. “1. Тарихий аниқланган ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш усуллари мажмуи, жамиятнинг иқтисодий асоси. 2. Мамлакат халқ хўжалиги тармоқлар ва улар маълум қисмларининг жамланиши. 3. Иқтисодий муносабатларнинг ҳаракатини ва уларнинг соҳаларини ўргатувчи фан тармоғи”<sup>4</sup>. Бу ерда ҳам иқтисодиётга жамият нуқтаи назаридан, алоҳида соҳалар ва фан нуқтаи назаридан ҳам қаралган.

Мазкур қайд этилган далилларга асосланиб, инсон ҳаёт тарзини тубдан ўзгартирган, унга жуда катта қулайликлар яратиб берган иқтисодий тафаккурнинг ҳосиласи бўлмиш иқтисодий фаолият юнон шоири Гессиод, юнон файласуфи Ксенофонтлар яшаб, ижод этган даврлардан узоқ йиллар, ҳаттоки, бир неча юз йиллар илгари пайдо бўлганлиги хусусида хулоса чиқариш мумкин. Эрамиздан олдинги VIII-VII асрларга келиб эса, иқтисодий фаолият илму-амал аҳли жиддий эътибор қаратадиган даражада кенг қулоч ёйган эди.

Инсон ўз эҳтиёжига мос равишда маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш воситаларини инсон тафаккури ёрдамида такомиллаштириб боради. Такомиллашган ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш кучларининг, шу жумладан инсон капиталининг ҳам такомиллашувига олиб келади. Буларнинг пировард натижаси ишлаб чиқариш усуллари ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади. Булар натижасида ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш имконияти туғилади. Бу босқичнинг

<sup>1</sup> Мартынова Д.Э. История возникновения терминов экономики: капитал, капиталоотдача, доход. Интернет ресурс: <https://cyberleninka.ru/article/n/istoriya-vozniknoveniy-a-i-razvitiya-terminov-ekonomiki-kapital-kapitalootdacha-dohod/viewer>. Мурожаат этилган сана: 27.07.2023

<sup>2</sup> Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти. Самарқанд, 2023 йил.

<sup>3</sup> Экономическая Энциклопедия. Политическая экономия (в 4 томах). – М. «Советская Энциклопедия», 1980, - 438 бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда. – 438 бет.

барчасида инсон тафаккури ва унинг яратувчилик хусусияти асосий роль ўйнайди.

Маълумки ишлаб чиқариш икки йўналишда бўлади. Биринчиси, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришга қаратилган бўлса, иккинчиси, истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга қаратилгандир (4-расм).

<b>Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш</b>	<b>Ишлаб чиқариш воситалари ҳам инсон тафаккури билан яратилган бўлиб, эҳтиёжга мос истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган.</b>
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>Инсонларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш воситалари ёрдамида истеъмол товарлари ишлаб чиқилади</b>

**4-расм. Ишлаб чиқаришнинг инсон эҳтиёжига мос ҳолда икки йўналишга бўлиниши**

Ушбу расмда ифодаланган бўлиниш навбатида меҳнат тақсимотини юзага келиш заруриятининг ҳам пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса, ҳудудларнинг ва тармоқларнинг шароитига мос равишда ривожланишини таъминлайди. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш заруриятини туғдиради. Шу тариқа маҳсулотлар тақсимоти ва реализацияси амалга оширилади. Буларнинг натижасида иқтисодийнинг охириги босқичи истеъмол жараёни содир бўлади. Буларнинг ҳаммасини бошқаришда, маълум тартибга солишда инсон ва унинг тафаккури хизмат қилади. Бу ҳам кўрсатиб турибдики, иқтисодийнинг барча босқичлари инсон тафаккури билан боғлиқдир.

**Хулоса ва таклифлар.** Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ҳозирги дунё иқтисодий интеграциялашаётган пайтда, меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви билан бирга, халқаро иқтисодий муносабатлар ҳам кенгайиб бормоқда. Булар ҳам маълум меъёрлар ва мезонлар асосида ташкил қилинмоғи лозим, деган хулосага келдик.

Барча тартибни бошқариб турувчилар асосан инсонлар ва уларнинг тафаккур маҳсули ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бутун жараёни рақамлаштириш натижасида рақамли иқтисодий ҳам шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Бундай шароитда иқтисодий ўзига хос замонавий мазмунга эга бўлмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, бугунги кунда қўл меҳнати қисқариб, бунда асосан ақлий меҳнатнинг улуши кескин ошиб бормоқда. Бу ҳам инсонларнинг интеллектуал салоҳиятининг ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Хуллас иқтисодий қанчалик ривожланмасин, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ҳам ҳаракатга келтирувчи куч – инсоннинг ақлий меҳнати эканлигига амин бўлмоқдамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мартынова Д.Э. История возникновения терминов экономики: капитал, капиталотдача, доход. Интернет ресурс: <https://cyberleninka.ru/article/n/istoriya-vozniknoveniya-i-razvitiya-terminov-ekonomiki-kapital-kapitalootdacha-dohod/viewer>. Мурожаат этилган сана: 27.07,2023
2. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Иқтисодий назарияси. Самарқанд иқтисодий ва сервис институти. Самарқанд, 2023 йил. Ўзбекистон иқтисодийнинг тарихи: Амир Темур давридан то ҳозирги кунга қадар. – Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт матбаа уйи”, 2022. – 440 бет.
3. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Иқтисодий назарияси. Самарқанд иқтисодий ва сервис институти. Самарқанд, 2023 йил.
4. Мамаюнус Пардаев. Иқтисодий – инсон тафаккури маҳсули. SamTVR | MTRK <https://telegra.ph/I%D2%9Btisodiyot--inson-tafakkuri-ma%D2%B3suli-07-22> 2023 йил 22 июль. 571. 9:38
5. Ўлмасов А. Иқтисодий. Оммабон қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2017. – 224 бет.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Ж. П. Е – М. / Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 264 бет.
7. Экономическая Энциклопедия. Политическая экономия (в 4 томах). – М. «Советская Энциклопедия», 1980, - 438 бет.

<p><b>М.Пардаев, М.Мухаммедов</b>  <b>Экономика — продукт выдающегося человеческого мышления</b></p>	<p><b>M.Pardaev, M.Mukhammedov</b>  <b>Economics is the product of great human thinking</b></p>
<p><b>Аннотация:</b> Статья посвящена исследованию актуальных проблем экономики, главного критерия человеческой жизни и ее осмысленного и благополучного прохождения. Авторы приводят логические рассуждения и мнения о причинах появления экономической деятельности в истории человеческого общества, ее глубоких корнях, ее роли в эволюции образа жизни человека, факторах совершенствования, перспективах развития. С точки зрения экономической науки обосновано, что существование значительных и сверхзначительных различий в благосостоянии населения, средней заработной платой среди групп и категорий населения внутри страны, как и между странами на мировом уровне, является результатом экономического мышления.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> экономика, человек, орудия труда, природа, потребность, производство, распределение, обмен, потребление.</p>	<p><b>Abstract:</b> The article is devoted to the study of current problems of economics, the main criterion of human life and its meaningful and successful passage. The authors provide logical reasoning and opinions about the reasons for the emergence of economic activity in the history of human society, its deep roots, its role in the evolution of human lifestyle, factors of improvement, and development prospects. From the point of view of economic science, it is substantiated that the existence of significant and extremely significant differences in the well-being of the population, average wages among groups and categories of the population within the country, as well as between countries at the global level, is the result of economic thinking.</p> <p><b>Keywords:</b> economy, human, tools, nature, demand, production, distribution, exchange, consumption.</p>

**Umar Xudayberdiyev** – SamISI dotsenti, iqtisod fanlari nomzodi,

**Sevara Abdinazarovna Babanazarova** – SamISI katta o‘qituvchisi, PhD.

### AHOLI DAROMADLARI VA ULARNI KO‘PAYTIRISH YO‘LLARI

**Annotatsiya:** Maqolada aholi daromadlari mohiyati, ularning turlari va keyingi besh yildagi ko‘payishi bayon qilingan. Shu bilan birga aholi daromadlarini ko‘paytirish imkoniyatlari yoritib berilgan.

**Kalit so‘zlar:** aholi daromadlari, mehnat haqi, tadbirkorlik, mulk ijarasi, transfertlar, pensiya, nafaqa, kasanachilik, tomorqa, iqtisodiy rivojlanish.

**Kirish.** Bozor munosabatlari sharoitida aholi aql-zakovatini, tadbirkorligini, tajribasini namoyon etib, qonunda taqiqlanmagan (qonunda taqiqlanganlari: narkotik moddalar bilan shug‘ullanish, qurol-yaroq bilan savdo qilish va shu kabilar) barcha faoliyat turlari bilan shug‘ullanib, daromad topish imkoniyatini yaratdi. Hozirgi paytda aholi tadbirkorlik bilan shug‘ullanib; ishchi sifatida ishlab, mehnat haqi; hunarmandchilik bilan shug‘ullanib, foyda; tomorqada dehqonchilik qilib, daromad; mol-mulkni ijaraga berib, ijara haqi; tijorat banklariga omonatlar qo‘yib, foiz daromadlarini olmoqdalar. Bundan tashqari aholi chet mamlakatlarda ishlayotgan fuqoralardan (migrantlardan) ham pul o‘tkazmalari natijasida daromad oladilar. Pensionerlar pensiya oladilar, nogironlar, yosh bolalilar nafaqa oladilar, kam ta‘minlangan oilalarga turli moddiy yordam beriladi.

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlil.** Oila iqtisodiyoti, aholi daromadlari masalalari iqtisodchi olimlarning ilmiy izlanishlarining mavzusi bo‘lib kelgan. Bu borada akademiklar S.G‘ulomov, Q.Abdurahmonov, i.f.d., professorlar A.Ulmasov, M.Pardayev, Yo.Abdullayev, G.Shodiyeva, Sh.Quvandiqov va boshqa oila mulki xususida, oila daromadlarining turlari borasida muhim tavsiyalar berganlar. Lekin oila daromadlarini ko‘paytirish va aholi turmush darajasini yaxshilash hamma vaqt dolzarb bo‘lib kelgan. Ayniqsa bu mavzu Respublika Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2020-yil 24-yanvardagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida “Kambag‘allikdan chiqib ketish uchun eng muhim omil - bu insonning intilishi, o‘z kuchiga tayangan holda, aniq maqsad sari harakati bo‘lishi kerak. Shu maqsadda kelgusi yili mahallalarda aholini kasb-hunarga o‘qitish bo‘yicha mingdan ziyod markazlar tashkil etiladi. Bunda kasb-hunarga o‘qitilgan har bir shaxs uchun o‘quv

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023